


ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOGLIKNI SAQLASH VAZIRLIGI

Рўйхатга олинди:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

№ БД

201 9 йил «15» 04



КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 –Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш

5510700 – Олий ҳамширалик иши

Тошкент – 2019

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил “25” 04 даги “101” – сонли буйруғининг 2 -илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил “15” 04 даги “1” – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашда маъқулланган, ОЎМТВнинг 2018 йил “7” 12 даги 1000 -сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институти томонидан ишлаб чиқилди.

#### Тузувчилар:

Уста-Азизова Д.А. - ТошПТИ “Чет тиллар, педагогика ва психология” кафедраси доценти, п.ф.н.  
Мирзаева Ш.Р. - ТошПТИ “Чет тиллар, педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

#### Тақризчилар:

Рўзиева Д.И. – ТДПУ “Умумий педагогика” кафедраси мудири, п.ф.д, профессор  
Сайтжанова У.К. - НДПИ “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, п.ф.н.

Фан дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2013 йил “27 март” даги “8”-сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги, олий касбий таълимдаги ўрни

Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими вазирлигининг давлат миқёсидаги асосий вазифаларидан бири замонавий таълим-тарбияни йўлга қўйишда ёшларни касб-хунарга ўргатиш, ўз истаги ва хоҳиши, қизиқиши ва қобилиятига кўра касб танлаш, бутун ҳаёти давомида ўз касбига садоқатли бўлиш хисларини шакллантиришдан иборатдир. Мазкур дастур “Касбий педагогика” фанининг қонуний давоми бўлиб, унда “Касбий таълим методикаси” фанининг мазмуни, мақсад-вазифалари, илм-фан ва соғлиқни сақлашда тутган ўрни, предмети ва методлари, назарий ва методологик асослари, тиббий таълимда дарсларни ташкил этиш, мутахассислик фанларида қўлланиладиган замонавий педагогик ва инновацион ўқитиш технологиялари, ўқув-тарбия жараёнини ташкиллаштирувчи – педагогга қўйилган талаблар, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, уларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш вазифалари ҳамда имкониятларини кўриб чиқади. Дастур тиббий таълим ўқув жараёнини самарали ташкиллаштириш ва рўёбга чиқаришга оид билимларга, педагогик мулоқот кўникма ва малакаларига, касбий компетенцияга эга бўлишни ўз зиммасига олади. Шунга кўра, “Касбий таълим методикаси” фани дастури асосида юксак профессионал ва самарали касбий таълим жараёнини ташкил этишда, таълим олувчиларни касбий ривожлантиришда, малакали ҳамда рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашда, педагогик фаолиятга услубий ва ижодий ёндашишда муҳим роль ўйнайди.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

“Касбий таълим методикаси” фанини ўқитишдан мақсад – талабаларда касбий таълим йўналишининг Давлат таълим стандартида белгиланган ҳажмдаги илмий-назарий билим, амалий малака ва кўникмалар ҳамда касбий компетенцияни шакллантиришдан иборат.

“Касбий таълим методикаси” фанининг вазифалари:

- касб таълимини ташкил этиш ҳамда уни амалга ошириш бўйича методик базага эга;
- тиббий таълимда ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил қилиш ва амалга оширишга оид кўникмаларга эга;
- педагогик-психологик билимларини касб таълими жараёнида қўллай оладиган;
- тиббий таълим жараёнида замонавий ва инновацион ўқитиш технологияларидан унумли фойдалана оладиган;
- касбий педагогик муаммоларни мустақил ҳал эта оладиган, ижодий фикрлайдиган, ўз имкониятларини эркин намоён қила оладиган бўлажак касбий таълим мутахассисларини тайёрлашдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**



– “Касбий таълим методикаси” фанининг предмети, мақсади, вазифалари, касб таълимнинг методологик асослари, фаннинг илмий-тадқиқот методлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифаларни;

– узлуксиз таълимни стандартлаштириш асослари, меъёрий ҳужжатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи мазмунини;

– мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини *билиши*;

– касб-ҳунар коллежларида тиббиёт мутахассислиги фанларини ўқитишда назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш;

– машғулот технологиясини тузиш, фаннинг ўқув дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;

– тиббий фанларни ўқитиш шакллари, усуллари ва дидактик воситаларни танлаш;

– тиббий фанларни ўқитиш жараёнида ноанъанавий усуллари қўллаш;

– тиббий фанлар бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш;

– тиббий фанларни ўқитиш бўйича дарсларни таҳлил қилиш *кўникмаларига эга бўлиши*;

– клиник фанларни ўқитишда дидактик материални самарали танлаш ва такомиллаштириш;

– ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш;

– тиббий фанлар бўйича календар-тематик режа ва дарснинг технологик харитасини ишлаб чиқиш;

– клиник фанларни ўқитиш шакллари ва усулларини танлаш, назарий ва амалий машғулотларни олиб бориш технологиясини ишлаб чиқиш;

– касбий таълим ва клиник фанлардан ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқиш;

– ўқув мақсадлари ва натижаларини белгилаш, дарс ресурслари ва ўқитиш стратегиясини аниқлаш;

– тиббий фанларни ўқитишда таълимнинг замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш каби *малакаларга эга бўлиши керак*.

### III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

#### 1-Мавзу. Касбий таълим методикаси фанига кириш

“Касбий таълим методикаси” фанининг шаклланиш тарихи. “Касбий таълим методикаси” фанининг касбий ва тиббий таълим мутахассисларини тайёрлашда тутган ўрни. Фаннинг предмети, мақсади, вазифалари ва методологик асослари. Фаннинг илмий-тадқиқот усуллари, тармоқлари ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги. ЎзР узлуксиз таълим тизимида касбий таълим ислохотлари.

#### 2-Мавзу. Касбий таълим ўқитувчисининг услубий ишлари

Мутахассислик фанлари бўйича ўқув-услубий мажмуа яратиш талаблари.

Мутахассислик фанлари бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш. Дарсни таҳлил қилиш хусусиятлари ва аҳамияти. Касбий таълимда ўзаро дарслар, очик дарслар, кўргазмали дарслар ва маҳорат дарслари. Дарс таҳлили турлари.

#### 3-Мавзу. Бўлажак мутахассисларни назарий ўқитишнинг дидактик асослари

Касбий таълимнинг дидактик тамойиллари. Касбга тайёрлашнинг муҳим масалалари. Мутахассислик фанларини назарий ўқитиш. Бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг дидактик тизими.

#### 4-Мавзу. Ўқитувчининг касбий фаолияти ва педагогик маҳорати

Ўқитувчининг фаолият услуби, усуллари ва шакллари. Ўқитувчининг касбга йўналтириш фаолияти. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари. Педагогик маҳоратни ошириш манбалари ва шарт-шароитлари. Ўқитувчининг профессионал билимдонлиги: илмий, педагогик, психологик, услубий тайёргарлиги. Талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда ўқитувчининг маҳорати.

#### 5-Мавзу. Педагогик қобилиятлар, педагогик техника, мулоқот ва нутқ

Педагогик қобилиятлар классификацияси. Етакчи ва ёрдамчи педагогик қобилиятлар. Педагогик қобилиятларни таркиб топтириш йўллари. Ўқитувчининг педагогик техникаси. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари: нутқ техникаси, мимика ва пантомимика, рухий-хиссий ҳолатни бошқариш. Педагогик мулоқот, унинг вазифалари, усуллари ва моделлари. Педагогик такт ва мулоқот маданияти. Нотиклик маҳорати педагогик маҳоратнинг муҳим шарти эканлиги. Педагогик нутқ вазифалари ва сифатлари, педагог нутқига қўйиладиган талаблар.

#### 6-Мавзу. Таълим олувчиларни касбга тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш

Касбга йўналтириш, касб танлаш хусусиятлари. Касбларни гуруҳлаштириш. Касб-ҳунар таълимида инновацион ўқитиш. Профессional мутахассиснинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар.

#### 7-Мавзу. Тиббий таълим ўқув жараёнида “Кейс-стади” ва “Лойиха” усулларини қўллаш

“Кейс-стади” усули ҳақида тушунча. “Кейс-стади”нинг ўзига хос хусусиятлари. “Кейс-стади” мактаблари ва турлари. Кейслар типологияси. Кейс-топширикни бажариш стратегиялари. Лойихавий таълим технологиясининг долзарблиги. Ўқув-лойихавий фаолият: тузилиши ва мазмуни. Ўқув лойихалари турлари ва қиёсий тавсифи.

### IV. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар мавзулари:

1. Касбий таълим методикаси фанининг назарий ва методологик асослари



2. Касбий таълим мазмуни. Касблар ва ихтисосликлар умумдавлат классификатори

3. Касбий таълим ўқитувчисининг услубий ишлари

4. Мутахассислик фанлари бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш.

5. Булажак мутахассисларни назарий ўқитишнинг дидактик асослари

6. Ўқитувчининг касбий фаолияти ва педагогик маҳорати

7. Педагогик қобилиятлар ва педагогик техника

8. Ўқитувчининг педагогик мулоқоти ва нутқи

9. Таълим олувчиларни касбга тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш

10. Тиббий таълим ўқув жараёнида "Кейс-стади" ва "Лойиха" усулларини қўллаш

11. Касб таълими ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолияти

12. Касбий таълимда малакавий ва педагогик амалиётни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жихозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларнинг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда кизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

Касбий таълим методикаси фани бўйича амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

#### Амалий кўникмалар рўйхати:

1. Касб-хунар коллежларида тиббиёт мутахассислиги фанларини ўқитишда назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш.

2. Машғулот технологиясини тузиш, фаннинг ўқув дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш.

3. Тиббий фанларни ўқитиш шакллари, усуллари ва дидактик воситаларни танлаш.

4. Тиббий фанларни ўқитиш жараёнида ноанъанавий усулларни қўллаш.

5. Тиббий фанлар бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш.

6. Тиббий фанларни ўқитиш бўйича дарсларни таҳлил қилиш.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар  
Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

#### V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

1. Касбий таълим методикаси фанининг предмети ва долзарб муаммолари
2. Касбий таълим методикасининг замонавий методлари ва уларни амалиётда қўллаш методикаси
3. Классификатор, малакавий тавсифнома ва уларнинг таркибий қисмлари
4. Касб-хунар коллежларида мустақил ишларни ташкил этиш мақсад-вазифалари
5. Педагогик маҳорат ва унинг таркибий қисмлари. Амалий касбий таълим ўқитувчисига қўйиладиган талаблар
6. Мутахассислик фанларини ўқитишда талабаларни касбга йўналтириш масалалари
7. Ўрта махсус, касб-хунар таълими битирувчиларининг ишлаб чиқаришга мослашуви
8. Ўқитувчининг касбий-педагогик фаолияти ва педагогик қобилияти
9. Ўқитувчининг касбий-педагогик фаолияти, касбий маҳорати ва педагогик қобилияти
10. Касб-хунар таълими тизимини бошқариш
11. Касб-хунар таълимида ўқувчиларни тарбиялаш назарияси ва амалиёти
12. Касб-хунар таълимида таълим-тарбия жараёни сифатини назорат қилиш ва баҳолаш
13. Касб-хунар таълимини умумий ўрта, олий таълим ва фан билан интеграциялаш ҳамда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади. Талаба "Касбий таълим методикаси" фанидан мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланиши тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

- Мавзулар бўйича конспект (реферат, такдимот, тезис ёки мақола) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Конспект турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради ва вақтни тежайди;
- Ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлари давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат қилиш учун тест топшириқлари ва б. билан ишлаши;
- Фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда

- хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;
- Интернет тармоғидан фойдаланиш. Фан мавзуларини ўзлаштириш, мустақил ишларни тайёрлашда мавзу бўйича интернет манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;
  - Мавзуга оид вазиятли масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойихаларини ишлаб чиқиш ва ечиш;
  - Амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш;
  - Илмий-амалий семинар ҳамда анжуманларга тезис ёки мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;
  - Мавжуд мустақил ишларини такомиллаштириш, масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

#### **Фан бўйича курс иши (лойихаси)**

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

#### **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари Асосий адабиётлар:**

1. Ш.С. Шойимова ва бошқалар. Касбий таълим методикаси. Дарслик. Тошкент. 2019.
2. Д.А.Уста-Азизова, К.Ю.Киличева, Ё.Р.Рахманова. Методика профессионального обучения. Учебник. Ташкент. 2019.
3. Олимов К.Т., Абдуқуддусов О.А., Узокова Л.П. Касб таълими услубиёти. Тошкент. 2006.
4. Д.А.Уста-Азизова. Методика профессионального обучения. Учебное пособие. – Ташкент. Изд. «Фан». 2015.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Уста-Азизова Д.А. Профессиональная педагогика. Учебное пособие. – Ташкент. 2018. - 125 с.
2. Ходжабоев А., Нишоннов И. Касбий таълим методологияси. Тошкент. “Иқтисод-Молия”, 2006.
3. Эрганова Н.Е. Методика профессионального обучения: учеб. Электронно-методический комплекс: Учебно-методическая программа, курс лекций, практикум, методика проведения самостоятельной работы Красноярск. СФУ. 2009.

#### **Интернет сайтлари**

1. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. [www.pednauka.uz](http://www.pednauka.uz)
5. [www.education.ru](http://www.education.ru)